

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Й.Рахмоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Тулянованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўрғонтепа туман прокурорининг ёрдамчиси А.Турғунов, Н.Ғофирдинов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Улуғбековнинг иштирокида, [REDACTED] оид 1-1709-2501/324-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]  
1990 йил 9 сентябрь куни Жалакудук туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “Qo`rg`on sharob” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, муқаддам судланмаган, Жалакудук тумани, Ғозичеки МФЙ, Мирзаев кўчасида яшайди, иш бўйича 2025 йил 29 ноябрда “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 30 ноябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддасининг 1-қисми, 186-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 29 май куни Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Қўрғонтепа туман бўлими, Қўрғонтепа туман солиқ инспекцияси ҳамда Қўрғонтепа туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида, ўзи раҳбарлик қилиб кетаётган “Qo`rg`on sharob” масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконигадаги алкоголь маҳсулотларига елимланган “UU0120659”, “UU0520447”, “UU0164493”, “UU0185363”, “SS0732913”, “SS0040621”, “UU0518669”, “ZZ0264689”, “SS0262330”, “UU1018308” ҳамда “UU0207630” серия ва рақамли жами 11 дона акциз маркалари “Давлат белгиси” ДИЧБ усулида тайёрланмасдан, рангли лазерли принтерда чоп этилгани аниқланган.



Бундан ташқари, [REDACTED] 2024 йилнинг декабрь ойида ҳеч бир ҳужжатларсиз унга оид қисми тугатилган шахсга 2014 йилда Бобир исмли шахсдан сотиб олган истеъмол учун яроқсиз турли хил ҳажмдаги алкоголь маҳсулотларини сотиб, 2025 йил 30 апрель куни Қўрғонтепа туман, Хуробод МФЙ, Қурама кўчасида жойлашган савдо дўконида 20 турдаги 206 дона алкоголь маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинган.

Андижон вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика марказининг 2025 йил 25 июнь кунги 590-сонли хулосасига кўра, “UU0120659”, “UU0520447”, “UU0164493”, “UU0185363”, “SS0732913”, “SS0040621”, “UU0518669”, “ZZ0264689”, “SS0262330”, “UU1018308” ҳамда “UU0207630” серия ва рақамли жами 11 дона акциз маркалари “Давлат белгиси” ДИЧБ бўлган мазкур турдаги акциз маркалар тайёрлаш усулида тайёрланмагани, мазкур акциз маркалар рангли лазерли принтерда чорп этилгани аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қўрғонтепа туман бўлимидининг 2025 йил 26 майдаги 12/409-сонли хулосасига кўра, 20 турдаги 206 дона алкоголь маҳсулотларини истеъмоли инсон саломатлигига жиддий ва салбий зарар етказишини, алкоголь маҳсулотлари истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Андижон вилояти бошқармасининг 2026 йил 16 январдаги 03-30/62-сонли хулосасига кўра, “Qo'rg'on sharob” масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконидан олинган жами 159 хил турдаги 6.511 дона алкоголь маҳсулотлари истеъмолга яроқли ҳисобланиши аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, айбига иқрорлик келишувини қўллаб-қувватлашини, айбига иқрорлик келишуви тузишда унинг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлигини, ўз ҳаракатларини моҳиятларини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатларини англаб етгани, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ҳимоячиси билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин бергани, тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарни хусусияти ва миқдорини инкор этмаслигини, келтирилган зарарни бартараф қилиш чорасини кўриб моддий зарар тўлиқ қопланганини эътиборга олиб, айбига иқрорлик келишувини тасдиқлашни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Ахмедов суд мажлисида, 2021 йил бошларида Қўрғонтепа тумани Хуробод МФЙ ҳудудида жойлашган дўконни ижарага олиб, у ерда ошхона ташкил қилиб юритиб келгани, 2024 йилнинг декабрь ойи бошларида ошхонасида алкоголь маҳсулотларини сотиш мақсадида Қўрғонтепа туман, Янги ҳаёт МФЙда жойлашган “Qo'rg'on sharob” масъулияти чекланган жамиятининг савдо дўконига келиб, у ерда жамият раҳбари [REDACTED] билан гаплашиб, оз миқдорда турли хилдаги алкоголь маҳсулотларини сотиб олгани, орадан бир неча ҳафта ўтганидан кейин [REDACTED] савдо дўконига келиб,



насияга кўп миқдорда алкоголь маҳсулотларини олиб кетгани, уларни дўконига олиб бориб, алкоголь маҳсулотларини сотиш учун лицензияси бўлмасда, сотиб келгани, 2025 йил 30 апрель куни соат 17<sup>00</sup>ларда савдо дўконига ўзларини алкоголь маҳсулотларини харидорга сотиб бўлганидан кейин ўтирган вақтида дўконига Департаментининг Қўрғонтепа туман бўлими, Қўрғонтепа туман солиқ инспекцияси ҳамда Қўрғонтепа туман ИИБ ходимлари эканлигини айтишган шахслар киришиб, алкоголь маҳсулотларини сотиш учун лицензияси бор ёки йўқлигини сўрашганида, лицензияси йўқлигини билдиргани, сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига савдо дўкони ҳамда яшаш хонадонига 20 турдаги 206 дона 7.013.000 сўмлик алкоголь маҳсулотларини келгусида текшириб кўришлик учун ҳолислар иштирокида баённома орқали олишгани, кейинчалик ўздан олинган алкоголь маҳсулотларини истеъмолга яроқсиз эканлиги ва 11 донасининг акциз маркаси қалбаки эканлиги аниқланганини билгани ҳақида кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED] айби, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомаси, овоз ёзиш мосламаси ва сотиб олинган ашёвий далилни олиш баённомаси, Андижон вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика марказининг, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қўрғонтепа туман бўлимининг хулосалари, товаршунослик экспертизаси хулосалари, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] ўтказиш мақсадида қалбаки акциз маркалар ясаганликда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 176-моддасининг 1-қисми билан, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган алкоголь маҳсулотларини ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари, 186-моддасининг 1-қисми билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчисининг фикрини тинглаб, судланувчи [REDACTED] ва Қўрғонтепа туман прокурори ўртасида айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда судланувчи [REDACTED] процессуал ҳуқуқлари таъминлангани, у айбланаётган жиноят ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши, судланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етгани, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилгани, судланувчи тергов



органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаганлари, келишувнинг судланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилгани, судланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлари, унинг оқибатларини англаб етгани, судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаётганини, келишув Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586<sup>1</sup>-моддаси талаблари асосида тузилганини инобатга олиб, судланувчи [REDACTED] ва Қўрғонтепа туман прокурори ўртасида тузилган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги,

- 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги,

- 57<sup>2</sup>-моддасида, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги,



жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида эса ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Конституция, Қонунларда кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тасдиқланганини инобатга олиб, уни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиб, у “Qo`rg`on sharob” масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлигини инобатга олиб, ЖК 45-моддасининг 5-қисмига мувофиқ унга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинламасдан, ЖК 176-моддасининг 1-қисми ва 186-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, [REDACTED] келгусида жиноят содир этишини олдини олиш ва хулқ-атворини доимий назорат қилиб боришни таъминлаш мақсадида, унга назорат қилувчи орган рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклашни;

- [REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилиб, гаров учун топширилган



Жентра русумли 60 Z 107 ZZ давлат белгили автомашина гаровга кўювчи Д.Хабибуллаевга қайтаришни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган ва вақтинчалик сақлаб туриш учун Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Қўрғонтепа бўлимига топширилган 20 хил турдаги 206 дона алкоголь 32 хил турдаги 129 қути тамаки маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилишни, 159 хил турдаги 6511 дона алкоголь маҳсулотлари [REDACTED] қайтарилгани инобатга олишни, 11 дона акциз маркалар жиноят иш ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи [REDACTED]нинг айбга иқдорлик тўғрисидаги келишуви тасдиқлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддасининг 1-қисми, 186-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Жалақудуқ туман, Ғозичеки МФЙ, Мирзаев кўчасидаги уйдан чиқишни чеклашдан иборат 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57<sup>2</sup>-моддасини қўллаб, у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Жалақудуқ туман, Ғозичеки МФЙ, Мирзаев кўчасидаги уйдан чиқишни чеклашдан иборат 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун у ёки бу сабаб билан иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Жалақудуқ туман, Ғозичеки МФЙ, Мирзаев кўчасидаги уйдан чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил 4 (тўрт) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

[REDACTED] озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.



Жазони ўташ муддати [REDACTED] жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ижросини таъминлаш Жалақудуқ туман ИИБ пробақия гуруҳи зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилиниб, гаров учун қўйилган Жентра русумли 60 Z 107 ZZ давлат белгили автомашина гаровга қўювчи Д.Хабибуллаевга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва вақтинчалик сақлаб туриш учун Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Қўрғонтепа бўлимига топширилган 20 хил турдаги 206 дона алкоғол 32 хил турдаги 129 қути тамаки маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилинсин, 159 хил турдаги 6511 дона алкоғол маҳсулотлари [REDACTED] қайтарилгани инобатга олинсин, 11 дона акциз маркалар жиноят иш ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи**

*Ҳукм нусхаси аслига тўғри*

**Жиноят ишлари бўйича**

**Қўрғонтепа туман судининг раиси**

ИМЗО

**Й.Раҳмонов**

**Й.Раҳмонов**

